

Жанозадаги суннат амаллар ва макруҳ ишлар | Фикҳ дарслари (272-дарс)



19:00 / 07 март 1730

1. Жанозани тезлатиш.
2. Жанозага эргашиш. Бу нарса уч амалдан: жаноза намозини ўқиш, қабргача бирга бориш ва дафндан кейин маййитнинг ҳаққига дуо қилишдан иборатдир.
3. Хушуъли бўлиб, ўлимни ўйлаб бориш.

Жанозада иштирок этаётган одам турли гапларни гапириши, кулиши ва дунё ташвишида бўлиши мумкин эмас.

4. Аёл кишининг тобутининг устидан каттароқ мато билан тўсиш.
5. Жанозада иштирок этувчилар тобутнинг орқасида борадилар.
6. Жаноза билан борганлар уни елкадан ерга қўйганларидан кейингина ўтирсалар жоиз.

Жанозадаги макруҳ ишлар:

1. Намоз ва дафни ортга суриш.

Намозга одам кўпроқ тўплансин, деган ва шунга ўхшаш бошқа баҳоналар билан ҳам бу ишларни кечиктириб бўлмайди. Фақат маййитнинг яқин

валийсини кутиш мумкин, холос.

2. Маййитни кўтариб келганлар тобутни елкаларидан қўйгунларича ўтириб олиш ҳам макруҳ. Тобут ерга қўйилганидан кейин туриш макруҳ. Тобутни кўтариб ўтаётганларини кўрган одам ҳам ўрnidан турмайди.

3. Қабристонга боришда маййитни кўтариб борилса, иштирокчилар бирор нарсага миниб боришлари макруҳ. Қайтишда улов минсалар, жоиз.

4. Жанозада иштирок қилувчиларнинг ғала-ғовур қилишлари, зикр, қироат ила овоз кўтаришлари ва бақир-чақир қилишлари жоиз эмас.

Жанозада жим туриб, сукут сақланади. Ўлим ҳақида тафаккур қилинади.

5. Оловли нарсаларни кўтариб олиш, исирик тутатиш каби ишлар ҳам мумкин эмас.

6. Жанозанинг ортидан аёлларнинг бориши ҳам макруҳи таҳримийдир.

7. Бошқа миллат ва дин вакиллари жанозада қиладиган амалларни, масалан, гулдаста кўтариб олиш каби ишларни қилиш ҳам макруҳдир.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.